ХУМО ҚУШИ АКС ЭТГАН ГЕРБ — 2-бет
КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ — 3-бет
ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ — 4-5-бетлар
ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИДА НИМА ГАП? — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 127 (10.180) / 2004 ЙИЛ 2 ИЮЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 2004 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:**

1. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўртача 1,3 баравар оширилсин.

2. 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи - ойига 6530 сўм;

ёшга доир пенсиялар - ойига 12920 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нолинчи) разряд -ойига 6530 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - ойига 12920 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 7825 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2004 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобидан амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 2 апрелдаги ПФ-3231-сон Фармони ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддат ичида қарор қабул қилсин.

9. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 1 июль

## ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН, АЗИЗ ЁШЛАР!..

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.*
*Ислом КАРИМОВ*



**Эртага шаҳримизда «ИСТИҚЛОЛ УМИДЛАРИ — 2004» битирув оқшоми кечаси бўлиб ўтади**

**Умримнинг баҳори бахтиёр ёшлигим,**
**Шўхлигим беозор бебаҳо ёшлигим...**

Ҳа, ёшлик энг бебаҳо, энг гўзал, бахтиёр палла. Инсон ҳаётининг энг жўшқин, сермазмун, қувноқ, беташвиш, шодликларга тўлиқ даврлари саналади. Боликнинг беғубор қувноқликлари, шўхликларини ҳеч бир кимса унутолмаса керак. Қадрдон боғча, мактаб қучоғида ўтган шўх-шодон кунлар, тенгдошлар билан қувлашиб, тортишиб юрган беозор дамларни, кейинчалик эса бўйимиз етиб, қалбларимизда уйғонган нозик ҳис-туйғулар, илк муҳаббат куртак очган бебаҳо паллаларни умрбод ширин энтикиш билан ёдга оламиз, албатта.

Йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб, қадрдон мактаб, азиз устозлар, қадрли синфдошлар билан хайрлашиш онлари ҳам етиб келади. Кимдир ёшликдан шифокор бўлишни, кимдир ўқитувчи, яна кимдир ишбилармон, тадбиркор ёки ёзувчи, шоир бўлишни орзу қилади. Ёшликнинг олтинга тенг ушбу дамларида орзулар қанотида оққуш мисол юксакларга парвоз қилгинг, баланд-баланд чўққиларни забт этгинг келади. Ҳа, орзулар, орзулар чексиз, поёнсиз. Ширин орзу-умидлар сени нурли келажак сари чорлайверади. Энди катта ҳаёт йўлига қадам ташлаб, келажаги буюк давлатни бунёд этишда муносиб ҳисса қўшаётган серғайрат, билимли ёшлар сафида бўлгинг келади. Бунинг учун албатта жисмонан бақувват, билимдон, иқтидорли, ҳар томонлама етук инсон бўлиш, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб камол топиш зарур. Негаки, Юртбошимизнинг: «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», — деган оталарча ғамхўрлик билан айтган доно сўзлари ёшларга қанот бағишлаши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрликнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ёшларимизнинг чуқур илм олишлари, ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Шунинг учун зеҳни ўткир, билимли, зукко ёшлар сафи ортиб бормоқда. Айниқса чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олиб билим ва малакаларини ошириб, халқимиз фаровонлиги, она-Ватанимиз равнақи йўлида ўз иқтидорларини намоён этаётган ёшларимизни кўриб, ҳавасинг келади. Ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат уч босқичли узлуксиз тизимнинг яратилгани ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани ҳам ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир. Бундан ташқари ёшларнинг чуқур билим эгаллашлари учун мамлакатимизда академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари сони йилдан йилга ортиб бораётгани қувонарли албатта.

Бугунги кунда шаҳримиздаги 315 та мактабнинг 11-синфини 14.901 нафар, 9-синфини эса 36.586 нафар ўғил-қиз тамомламоқда. «Хайр, жонажон мактаб, хайр, қадрли устозлар, хайр, азиз синфдош!» дея ҳаяжон ила чуқур энтикиш билан билим олган қутлуғ даргоҳ билан хайрлашмоқдалар. Битирувчи ёшларнинг ота-оналари ҳам айни кунда фарзандларининг келгусида билимли, ҳунарли, комил инсон бўлиб етишишларини орзу қилмоқдалар.

— Бу йил ўғлим мактабнинг 11-синфини аъло баҳолар билан тамомлади, — дейди онахонлардан бири Раъно Аҳмедова. — Бугун мен ҳам жуда хурсанд ва бахтиёрман. Ўғлим келажакда шифокор бўлиб, халқимиз саломатлигини сақлашга хизмат қилиш орзусида. Мен ҳам албатта фарзандим юрт корига ярайдиган инсон бўлиб етишса, деб орзу қиламан.

Бундай илиқ ва самимий таклифлар ҳар бир ота-она қалбидан чиқмоқда. Эртага шаҳримиз ёшлари унутилмас кун — битирув оқшомини нишонлайдилар. Шу мақсадда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида умумтаълим мактаб ва академик лицей битирувчиларининг «Истиқлол умидлари» фестивалига қизғин тайёргарлик кўрилди. Ўйлаймизки, фестивалда ёшлар кўнгиллари завққа тўлиб, дилдан қувнаб ўйнайдилар.

Биз бугун умидли ёшларимиз битирувчиларга қарата: оқ йўл сизга азиз ёшлар, толеъингиз баланд, омадингиз ёр бўлсин, дея ният қиламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

*(Битирув оқшоми кечасига бағишланган саҳифа материаллари билан газетамизнинг 4-5-бетларида танишасиз.)*

*Бугун — Ўзбекистон Республикаси*
*Давлат герби қабул қилинган кун*

## БАРЧАМИЗ УЧУН МУҚАДДАС ТУҒРО

**Инсонда ватанпарварлик эътиқоди ўз-ўзидан шаклланмайди. Мустақил давлати бўлган ҳар бир кишида ватанига меҳр ва муҳаббат, ватанпарварлик эътиқоди ниҳоятда серқирра бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доим такомиллашиб, ривожланиб боради. Ўзбекистоннинг қадр-қимматини, тарихи, тақдири, истиқболини қанчалик кўп англасак, бу эътиқодни ўз ҳаётимиз, фаолиятимиз, орзу-умидларимиз билан теранроқ боғласак, тўлароқ маънода чинакам ватанпарвар бўлиб камол топа борамиз.**

1991 йил 1 сентябрь Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб, унинг саҳифаларидан абадул-абад ўрин олди.

Истиқлол, мустақилликнинг моҳияти шундаки, у давлатни давлат, миллатни миллат этади, унинг шарофати билан давлати ва миллати қудратини англаган, сезган, онги ва иймони бутун инсонлар авлоди нафақат ўзи, балки келажак авлодлар учун ҳам баркамол Ватан бунёд этишга бел боғлайди.

Инсон ўз Ватанида камол топар экан, Ватанга муҳаббат туйғуси билан яшайди.

Шунинг учун мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси аввал ўзи, озод ҳур Ўзбекистон, унинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси ва бошқа мустақиллик тамойилларини тўла билиши, унинг мазмун-моҳиятини, қонунларини англаши ва ёш авлодга ҳам ўргатиши зарурдир.

Давоми 2-бетда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ Икромжон Хошимжонович Нажмиддинов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

• Кеча Навоий шаҳрида Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмитасининг қўшма сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

• Андижон шаҳрида Вояга етмаган ёшлар маркази очилди. Ушбу марказ вояга етмаганларга касб-ҳунар ўргатиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш фаолиятини амалга оширади.

• Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Қибрай, Қуйи Чирчиқ ва Чиноз тумани ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 60 минг тоннадан ортиқ дон топшириб, шартномавий режани бажардилар.

• Хоразм вилояти марказида яна бир замонавий савдо корхонаси ишга тушди. Хивага элтувчи автомагистрал бошида пластмасса буюмлар фирма дўкони очилди.

• Самарқанд шаҳрида болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• «Уздунробита» уяли телефон алоқаси Қорақалпоғистонда қамров доирасини кенгайтирмоқда. Эндиликда Элликқалъа туман аҳолиси ҳам замонавий алоқанинг ушбу туридан фойдаланишни бошлади.

### Жаҳонда

• Россия Федерациясида ядровий қурилмалар ва уран чиқиндиларини сақловчи махсус омборни қуриш ишлари бошланди.

• АҚШ Ливия билан бундан 24 йил аввал узиб қўйилган дипломатик муносабатларни расман қайтадан тиклади.

• Афғонистон чегараси ҳудудида Покистон ҳарбийлари ва «Ал-Қоида»га алоқадор жангарилар ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувда 20 нафар жангари ўлдирилди.

• Саудия Арабистонида полиция ва террорчи гуруҳлар ўртасида содир бўлган қуролли тўқнашув натижасида битта хавфсизлик хизмати ходими ва икки нафар террорчи ҳаётдан кўз юмди.

• НАТО ҳарбий блоки Грециянинг хавфсизлик борасидаги мурожаатини қабул қилди. Энди Афинада бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинлари хавфсизлиги ҳар томонлама кафолатланади.

• Стэнфорд университетининг бир гуруҳ астрономлари коинотда шу вақтгача учрамаган йирик қора бўшлиқни топишди. Маълум бўлишича, ушбу бўшлиқнинг массаси қуёшникидан 10 миллиард мартта кўпроқ ва у ердан 12,7 миллиард йил масофасида жойлашган.

# БАРЧАМИЗ УЧУН МУҚАДДАС ТУҒРО

Давоми. Боши 1-бетда.

Ўзбекистон суверен демократик республика деб эълон қилинганидан 10 ой ўтгач, 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Республика Давлат мустақиллигининг рамзидир» — деб эътироф этилиши Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи йилидаёқ Давлат гербига эга бўлганининг далолатидир.

Бугун Ўзбекистонни жаҳоннинг турли бурчакларида гербига қараб тез таниб олишларини таърифлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси гербимиздаги ҳар бир чизиқ, ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маънолар мавжуд эканлигини яхши билишлари керак.

Қонуннинг 8-моддасида шундай сўзларни ўқиймиз: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистоннинг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт».

Мазкур модданинг мазмун-моҳияти ватанга муҳаббатнинг қанчалик чексиз бўлишига Халқаро Амир Темур жамғармасининг хорижий мамлакатлар билан алоқа бўлими бошлиғи Насруллоҳ Тўранинг қуйидаги сўзларини келтирган ҳолда таъкидламоқчимиз: «Азиз юртдошлар! Мен умримнинг кўп қисмини муҳожирликда чет элларда ўтказдим. Мен учун энг оғир дамлар ўзга юртнинг байроғи, герби остида яшаб, мадҳияси чалинганда қўлимни кўксимга қўйиб тинглаш эди. Сизларга бу оғир ҳолатни изоҳлашим қийин. Ўзбекистон мустақилликка эришгач ўзининг байроғи, герби ва мадҳиясига эга бўлди. Мустақилликнинг қадрига етайлик ҳамда унинг байроғи, герби, мадҳияси ва бошқа мустақиллик тамойилларини эъзозлайлик...»

Чет элларда муҳожирликда яшаб ҳозирги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган юртдошларимиз «... инсон истаган жойда бир парча нонга қорнини тўйғазиши мумкин, лекин Ватани ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Мустақил бўлган ўзингнинг Ватанингда яшаш — ҳақиқий бахт» — дейдилар.

Афсуски, Ўзбекистон гербини айрим жойларда қонунда тасдиқланган тасвиридан ўзгаришлар билан ўрнатишади. Айрим ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 15 апрелдаги қарори билан, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг айрим бандларига муайян ўзгартиришлар киритилган бўлсада дастлабки тасвирдаги гербларни учратиб қоламиз.

Давлат герби — мамлакат фуқаролари учун муқаддас ҳисобланган белги экан, юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ҳис, ўзига хос ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғониши табиийдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон байроғи жаҳон узра ҳилпираб турибди. У ўзининг Президентига, Ҳумо қуши акс этган гербига, жаранг-дор мадҳиясига, ўз миллий қўшинига, ўзининг мустақил ривожланиш йўли ва режаларига, ўз валютасига эга. Буларнинг ҳаммаси Мустақилликнинг буюк самараларидир.

**Акром АКМАЛОВ,**
**Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикасида транспарент (ошкора ва очиқ) сайлов жараёни механизмлари: кузатувчилар ва оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида сайлов жараёнлари холисона ёритилишини таъминлаш» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди. Ушбу тадбир Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарлар ташкил этиш режасига мувофиқ уюштирилди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари раҳбар ва ходимлари, олимлар, Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Семинарни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикасида сайловни ошкора ўтказиш механизмлари ҳақида», «Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш ва тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли», «Парламент сайловининг муҳим жиҳатларини кенг халқ оммасига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва вазифалари», «Сайлов кампаниясининг ташвиқот-реклама таъминоти», «Кузатувчилар - сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари» мавзуларида маърузалар тингланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан Қонунчилик палатаси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар. Бу борадаги барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Демак, сайловнинг бутун жараёни журналистлар томонидан кузатиб борилади, ундан нафақат бизнинг жамиятимиз барча аъзолари, ҳаттоки хорижий давлатларда хам хабардор бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган ахборот олиш ва уни тарқатишга тегишли нормалар умумэътироф этилган демократик тамойилларга тўла мос келади. Хусусан, Конституциянинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди» деб кўрсатилган. Бу норма оммавий ахборот воситалари қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти билан давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлган халқ ўртасида алоқа боғловчи «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлатимизда оммавий ахборот воситалари ва журналистларга улар зарур деб ҳисоблаган ахборотни олиш, уни холисона текшириш ва тарқатиш имкониятлари кафолатланган.

Бундан ташқари, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган ушбу қоидаларни оғишмай, тўлиқ ва ўз вақтида бажариш вазифаси энг аввало, сайловни ёритишда, сайловолди ташвиқотини олиб боришда бевосита иштирок этадиган оммавий ахборот воситалари зиммасига юкланади. Бу жуда катта масъулият. Уни тушуниш, англаш лозим, бу ишга чуқур тайёргарлик кўриш керак.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун 27-моддасининг 2-қисмига мувофиқ депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга ҳамда мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Сиёсий партиялар, депутатликка номзодларга сайловолди дастурлари билан чиқишларида тенг шароит яратилиши, уларнинг барчаси учун радиоэшиттириш вақти, телекўрсатув давомийлиги бир хил белгиланиши шарт.

Оммавий ахборот воситаларининг сайловга доир қонун ҳужжатларини халқимизга етказиш, тушунтириб боришдаги имкониятидан тўлароқ фойдаланишимиз лозим. Оммавий ахборот воситаларида сайловга доир қонунларнинг моддалари ёки қоидалари ёритиб ва шарҳлаб борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларга муайян ўзгартишлар киритилди. Бу ўзгартишларни аҳолига етказиш учун кенг жамоатчилик билан давлат идораларининг сайловни ўтказиш борасидаги ҳаракатлари уйғунлашгандагина кутилган самарага эришиш мумкин. Ана шу ҳаракатларни уйғунлаштириш вазифасининг катта қисми оммавий ахборот воситаларининг зиммасига юкланмоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «...айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз».

Мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентга ўтказилаётган сайловга жаҳон афкор оммаси, демократик жамоатчилик катта қизиқиш билан қараётганлиги сир эмас. Шу боис ҳам ўтажак сайлов халқимизнинг, мазкур сайловда иштирок этаётган сиёсий кучларнинг асл демократик қонунларга, қоидаларга, анъаналарга содиқ эканликларини ишончли тарзда намойиш этмоғи зарур.

Анжуман жонли баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

**ЎзА**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Ҳомийлик қандай ҳолларда тугатилади?**

**Л.Искандарова, Шайхонтоҳур тумани.**

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда:

ҳомий ёки ҳомийликдаги шахс вафот этганида;

ҳомийликдаги шахс вояга етганида;

ҳомийликдаги шахс ота-онасига қайтарилганида;

ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганида;

вояга етмаган шахс тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансинация);

фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

ҳомийликдаги вояга етган шахснинг соғлиғи яхшиланганлиги туфайли, у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлганда тугайди.

* * *

**Мен ишдан ортиб фарзандларим тарбиясига етарли вақт ажратолмай қолаяпман, деб ўйлаб қолдим. Сабаби, 15 ёшга тўлган қизим жуда ўзгариб қолди. Иш буюриб кетишим, берган насиҳатим ҳам ёқмай қолди. Арзимаган нарсадан асабийлашиб кетяпти. У бирон касалликка чалиниб қолмадимикан деб хавотир олаяпман. Маслаҳат беринг, уни шифокорга кўрсатсаммикан?**

**Ю.Ризаева, Юнусобод тумани.**

Тўғри, кўп ҳолларда биз ота-оналар иш, турмуш ташвишлари билан ўралашиб, фарзандларимизнинг жуда тез улғайиб, айни балоғат остонасида турганини унутиб қўямиз. Сизнинг қизингиз ҳам айни балоғат ёшига ўтиш даврида. Маълумки, бу вақтда бола организмида анчагина ўзгаришлар юз беради, бу эса унинг руҳиятига таъсир қилади. Айниқса, қиз бола бу вақтда яқин сирдошга муҳтож бўлади. Сиз қизингиз учун озгина вақт ажратиб, унинг қалбига йўл топишга ҳаракат қилсангиз, ҳаммаси изга тушиб кетади.

* * *

**Хафақон (гипертония) хасталиги ҳақида маълумот берсангиз.**

**У.Ҳайдаров, Мирзо Улуғбек тумани.**

Хафақон (гипертония) хасталиги кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, агар бемор ўз вақтида даволанмаса, асорат бериб бошқа оғир дардларга олиб келади. Масалан, кўзни хиралаштиради, қўл ёки оёқни фалаж қилиб қўяди, тилдан қолдиради ва ҳоказо.

Асорат бермаган тақдирда ҳам беморнинг ҳаёти доимо хавф остида бўлади. Бу дард билан ёшлар ҳам, катта ёшдаги одамлар ҳам оғриши мумкин. Бу хасталикка дучор қилувчи сабабларга, тартибсиз даволаниш, оғир меҳнат қилиш, ҳаракатсизлик, салбий руҳий кечинмалар, спиртли ичимлик, тамаки, нос чекишга ружу қўйиш, шўр, аччиқ, ўткир, ширин, ёғли таом ва ичимликларни меъёрсиз истеъмол қилиш ва бошқалар кириши аниқланган. Хафақон юрак қон-томир тизими касаллиги бўлиб, кўпинча атеросклероз хасталиги билан кечиши кузатилган. Ушбу касалликнинг илк белгилари сезилган вақтнинг ўзидаёқ шифокорларга мурожаат этиш лозим. «Касалликни даволашдан кўра олдини олган афзалроқ» деган нақлга амал қилсангиз, асло ютқазмайсиз.

# ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Тошкент Давлат юридик институтида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамғармаси ҳамкорлигида “Икки палатали парламентга сайлов: назария ва амалиёт масалалари” мавзуида анжуман ўтказилди.**

Маълумки, шу йилнинг декабрь ойида мамлакатимизнинг тарихида илк бора икки палатали парламентга сайловлар ўтказилади. Икки палатали парламентнинг мазмун-моҳияти, бўлажак сайловни ўтказиш тартиби, сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлардан халқни хабардор этиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан жойларда семинар ва анжуманлар ташкил этилаяпти.

Авваллари туман, шаҳар, вилоят кенгашларига партиялар ҳамда давлат ҳокимлик идораларидан номзодлар кўрсатиларди. Сабаби, ўша даврларда давлат ҳокимиятини кучайтириш, унинг бошқарувини таъминлаш керак эди. Эндиликда бунга зарурат қолмади. Амалдаги қонунчиликка кўра вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашига сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан номзодлар, туман кенгашларига эса қўшимча тарзда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органларидан ҳам номзодлар кўрсатилади.

Институтда ўтказилган илмий-амалий анжуманда ҳам икки палатали парламентга сайловларни ўтказиш тажрибаси, бу сайловларда сиёсий партияларнинг роли, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча масалаларга ойдинлик киритишди.

# БИТИРУВЧИЛАР КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчиларининг кўргазмаси очилди.**

Кўргазмада Бадиий академия аъзолари, талабалар, ота-оналар ва тасвирий санъат мухлислари иштирок этди.

— Бугун 108 нафар бакалавр ва 26 нафар магистрга дипломлар топширилди, — деди институтнинг 1-проректори, таниқли рассом Рустам Худойберганов “Туркистон-пресс”мухбирига. — Булардан тўққиз нафари имтиёзли дипломларни олишга муваффақ бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, бугунги институтни битириб чиқаётган талабалар аввалги йиллардагидан сифат жиҳатдан бутунлай фарқ қилади. Битирувчиларнинг кўргазмага қўйилган ишлари ҳам буни яққол кўрсатиб турибди. Талабаларнинг кўпгина ишлари юксак бадиий маҳорат билан яратилган. Ёш рассомларнинг ишларида уларнинг жаҳон замонавий ва классик рассомлари ижоди билан бирга ўзбек рассомларининг ижодини ҳам чуқур ўрганганликлари кўриниб турибди. Бугунги ёшларимиз ижодида миллий руҳнинг бўртиб турганлиги айниқса, кишини қувонтиради.

Шунингдек, тадбирда институт ректори У.Қорабоев, Бадиий академия академиги Р.Аҳмедов ва таниқли санъатшунос Т.Маҳмудовлар сўзга чиқиб, истеъдодли ёшларнинг келгуси ижодига омад тиладилар.

**“Туркистон-пресс”**

*Экология*

# КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР

**Жаҳон тараққиёт ва ривожланиш банкининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича республикамизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида алоҳида ахборот мажмуаси ҳам тайёрланди.**

«Табиатни муҳофаза қилиш жараёнида жамоатчиликнинг экологик идрокини ошириш» деган мавзуда юзага келган бу ахборотномада турли саноат чиқиндиларидан халос этишга оид ишланмалар ҳам ўз ифодасини топди. Тошкент шаҳри аҳолисида қаттиқ маиший чиқиндилар билан муомала қилиш кўникмасини ўстиришга ҳам эътибор қаратилди.

«Шаҳарнинг санитария-тозалаш тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини яратиш ҳам кўзда тутилди. Лойиҳанинг бу ва шунга ўхшаш бошқа йўналишларини амалга оширишда Тошкентдаги «Контакт» жамоатчилик экологик маркази жонбозлик кўрсатмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# ТИББИЁТ АНЖОМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА



**Айни пайтда беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишда зарур бўладиган замонавий аппаратуралар, бир каналли электрокардиографлар соҳа вакиллари учун ниҳоятда муҳимдир. Маблағ ҳисобига бундай аппаратураларни шартнома асосида четдан келтириш айрим ҳолларда муаммолар туғдириши табиий. Аммо ана шундай замонавий аппаратураларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги нур устига аъло нур.**

«Супромед» илмий ишлаб чиқариш фирмаси турли хил тиббиёт асбоб-анжомлари, физиотерапия аппаратлари, ташхис қўйиш, жарроҳлик, санитария аппаратураларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган корхоналар сирасига киради. 1997 йилда фаолият бошлаган фирма асосан республикамиздаги барча қишлоқ врачлик пунктларини тиббий ускуналар билан таъминлаш борасида иш олиб бормоқда. Ҳозирда фирмада 20 номдаги маҳсулот тайёрланаётган бўлса, шулардан 5 та маҳсулотга патент олинди, 12 тасига Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан гувоҳномалар берилди. «Она ва бола» давлат дастурининг ижроси юзасидан 2001 йилда фирмага давлат буюртмаси берилди ва бу орқали корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган лазер ва квант аппаратлари, «Поток» номли гальванотерапия анжоми, «Supro-DIL» компьютерлашган кардиограф комплекси, ультрабинафша нурли ёритгичлар, юқори частотали учқун разрядли импульсли электромагнит тўлқинлар билан физиотерапевтик даволашга мўлжалланган «Дарсона» номли тиббий жиҳозлар сифати жиҳатидан ҳамда арзонлиги билан рақобатбардошдир.

Бу йил корхонада янги мураккаб техникалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йил сайин ўсиб бормоқда. Ҳозирда Япония давлати томонидан ҳамшираларни ўқитиш дастурига ажратилган беминнат маблағ эвазига барча тиббий ҳамширалар тайёрлаш ўқув юртларига фирма томонидан функционал каравотлар, ниқоб пардалар, чақалоқлар ётиши учун мўлжалланган каравотчаларни тайёрлаш йўлга қўйилган.

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, корхонамизда



ишлаб чиқарилган «Дарсона» аппаратураси ўзининг сифати ва мураккаб технологияларни бажара олиши билан россиялик ҳамкорларимиз эътиборига тушди, — дейди фирманинг директор ўринбосари Ҳусан Ҳамидов. — Энди бу маҳсулотларимизни шартнома асосида Россияга экспорт қилишни режалаштирганмиз. Ҳозирда фирмамиз мутахассислари тиббиёт учун зарур асбобларнинг янги турлари устида иш олиб бормоқда. Жумладан, «НТМ» фирмаси ҳамда «Ибн Сино» Халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда лапороскопик жарроҳлик ускунасини яратиш лойиҳаси устидаги ишлар айни қизғин паллада.

Корхона айни пайтда ўзининг кўплаб чет эллик ҳамкорларига эга. Шунингдек, фирма-мутахассислари ўз соҳалари бўйича дунё миқёсида ўтказилган семинарларда ҳам иштирок этиб келмоқдалар.

— Ҳиндистоннинг Лаларамсаруп касалхонаси ҳамда Индор шаҳридаги Чойтрам касалхоналари қошида Ўзбекистон-Ҳиндистон лазер нури билан даволаш ва лазер нурини ишлатиш илмий марказлари ташкил қилинди, — дейди фирма директори Собир Убайдуллаев. — Бу марказларда асосан лазерли аппаратуралар ва сил касаллигини даволашга зарур асбоб-ускуналарнинг янги нусхалари кўриб чиқилади. Бу ерда ўтказилган семинарда фирмамиз маҳсулотлари билан қатнашдик ва илғор тажрибалар билан танишиб қайтдик.

Шунингдек, фирма Литванинг ультратовушли тиббий сканер аппаратурасини ишлаб чиқишга ихтисослашган «TELEMED» фирмаси билан доимий алоқада иш олиб боради. Бу ультратовушли сканер аппаратурасининг асосий дастурлари IBM PC компьютерида жойлашган. Ҳозирда фирма бу маҳсулотга сертификат олиш ишлари билан машғул. Фирма ўз маҳсулотлари билан ҳар йили ўтказиладиган кўргазмаларда иштирок этиб келмоқда. 2000 йилнинг натижаларига кўра корхона «Ташаббус» танловининг шаҳар босқичида «Энг яхши тадбиркор», ўтган йили ўтказилган «MINITEX-2001» танловида «Энг яхши инновацион фирма» номига сазовор бўлган.



**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона маҳсулотлари устидан Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош метрология хизмати мутахассислари томонидан назорат текширув ишлари олиб борилмоқда.**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Бир умр бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

ҲИКОЯТ. Бир кекса доно, оқил киши қўй харид қилиш учун мол бозорига борибди. Ҳаммаёқ тумонот, қадам босишга жой йўқ. Ҳар ерда даллолларнинг «бор барака» қилаётган бақириқ-чақириқлари. Отахон бозор шов-шувидан боши айланиб бир четда турса ёшгина йигит бир қўйнинг бош-воғидан тутиб турганмиш. Унга аста яқинлашиб сўрабди:

— Қўйингни сотасанми, ўғлим?

— Сотаман, отахон.

— Савдосини келишсак, мен олиб кетай шу қўйни.

— Қани, мўлжалингизни айтиб кўрингчи, — дебди йигит жилмайиб.

Қария оғиз очишга улгурмай ён-атрофдаги даллоллар савдони пишитишга киришиб кетишди.

— Вазни 35 ни босади, чамамда, — дебди улардан бири. Бошқаси 40 килограммни тахминлабди. Хуллас, улар ҳар иккала оғирлик ўртасидан келиб чиқиб, қўйни баҳолашган экан, сотувчи:

— Йўқ, сизлар янглишдингиз, қўйимнинг вазни роса 31 килограммни босади, — дебди.

Ўзининг зиёнига юраётган лақма сотувчини кўрган даллоллар:

— Ҳов бола, адашма ҳар куни бозорда юрган биз биламизми, ёки бу ерга озиб-ёзиб бир келадиган сен биласанми, — дейишса, йигит:

— Аниғини мен биламан. Сабаби бозорга келишдан олдин қўйимни катта тарозига чиқариб тортиб кўрганман, — дебди.

Ландовур сотувчидан бир иш чиқмаслигини билган даллоллар қўл силтаб нари кетишибди. Лекин йигитнинг бу гапи кўпни кўрган кекса харидорни ўйлантириб қўйибди. Шунда у йигитга қараб:

— Тирик вазнда қўйни тортиб сотишингнинг боиси нима, ўғлим? Агар кўзбўямачи ёки хасис бўлганингда даллолларнинг гапига кириб, қўйингни вазнини ошириб сотиб юборган бўлардинг. Бу ўзингга фойда эди. Лекин сен ундай қилмай, ҳалоллик йўлини тутдинг, — деган экан, йигит жиддий:

— Ҳаётда ҳеч бир нарса изсиз қолмайди. Қачондир бир кун унинг жавоби бўлади. Шунинг учун бировнинг ҳақи менга ўтиб охир-оқибат жавобгар бўлмай, менинг ҳақим ўзгаларга ўтиб, уни беҳуда жавобгар қилмай деган мақсадда савдо-сотиқдан олдин ҳамма нарсани тарозида тортиб, кейин сотаман.

Отахон йигитнинг бу гапига тан бериб, унга тасанно айтибди. Кейин эса ҳеч бир даллолсиз бу ҳалол, покиза йигитнинг оғзидан чиққан нархига қўйни сотиб олибди.

Албатта, бу қиссадан керакли ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

Байт:

**Дунёда қолдими,**
**кўрмаган нарсам,**
**Кўрдим деб гердайма,**
**не кўрганинг — кам.**
**Бир одам қалбини**
**овлай олдингми?**
**Инсоннинг қалбидан**
**борми кенг олам.**

**Яқинда шаҳримиздаги Абулқосим мадрасасида халқаро «Олтин мерос» жамғармаси ташаббуси билан Абдулазиз Муҳаммадкаримов қаламига мансуб «Тошкентнома» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

*Тақдимот*

# «ТОШКЕНТНОМА»

Тақдимот маросимида Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, «Маҳалла», «Нуроний» хайрия жамғармалари вакиллари ҳамда таниқли адиблар иштирок этишди.

— «Тошкентнома» китобида турли манбалар, шоир ва алломалар хотиралари асосида юзга яқин жўғрофий номларнинг келиб чиқиши баён қилинади, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. — Маълумки, халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Абдулазиз Муҳаммадкаримов кўп йиллардан бери пойтахтимиз тарихи ва топонимикаси билан шуғулланиб келади. Ушбу китобнинг юзага келишида тўпланган бой манбалар қўл келган.

Дарҳақиқат, тарихий номларда аждодларимизнинг яшаш тарзи, қандай ҳунар билан шуғулланганлиги ўз ифодасини топган. Мисол учун Махсидўзлик, Кўнчилик, Дегрез, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи каби маҳалла номларининг ўзи ҳам бу ерда азалдан ҳунармандчиликнинг ривожидан, қадимий ва ўтроқ халқимизнинг маданий даражаси нечоғлик юқори бўлганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтоҳур каби тўртта даҳа, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Сағбон, Чиғатой, Кайковус, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Қўймас ва Қашқар каби ўн иккита дарвоза, уч юздан ортиқ масжиду мадраса, беш юздан ортиқроқ маҳалла ва мавзега эга бўлган қадимий ва навқирон Тошкентимизнинг тарихи бир оламдир. Китобда келтирилган тадқиқотларда юқоридаги ном ва атамалар топонимик ва тарихий жиҳатдан таҳлил қилинади.

**Шоира ШАРИПОВА**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## АЛДАГАНИ «КАТТАЛАР» ЯХШИМИ?

Саккиз ёшли набирам Шоҳсанам билан машинада бораётган эдик. У сўраб қолди:

— Бува «сомсанинг додаси» ҳам бўладими?

Бир зум гап нимадалигини билмай гангиб турдим-да, сўрадим:

— Бўталоғим, гапингга тушунмадим.

— Анови эшикка «сомсанинг додасига буюртма қабул қиламиз» деб ёзиб қўйишибди, шуни сўраяпман.

— Э, гап бу ёқда дегин. Ким билади дейсан, эркам. Ҳозир одамлар пул топиш учун нималар қилишмаяпти. Бу ёзув ҳам шуларнинг биридир-да. Аслида сомсанинг додаси йўқ, яхши, сифатли сомса бор.

Жажжи қизалоқнинг бу гапи бизни анча ўйлантириб қўйди. «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деганлари шу бўлса керак-да. Нима «сомсанинг додаси» деган билан хўрандалар ёғилиб келармиди. Бундан кўра унинг сифатлилигини ёзгин-да, маҳсулотни шунга яраша тайёрла. Ўшанда хўрандалар кун сайин ортиб бораверади.

Қарангки, «Чиллаки чиллакини кўриб, чумак уради», деганлари рост экан. Орадан икки-уч кун ўтиб нуфузли идоралардан бирининг олдидан ўтиб бораётиб «Пивонинг додаси» деган яна бир ғаройиб ёзувга кўзимиз тушди. Тавба, бу энди қанақаси бўлди. Пивонинг додаси қандай бўларкин, ўзи? Балки ўзгалардан бошқачароқмикин, деган мақсадда шу ерда давра қуриб ўтирган пивохўрлардан сўрадик.

— Оддий пиво, отахон. Бошқалардан фарқи йўқ. Биз ҳам ёзувни кўриб ҳайрон бўлдик. Татиб кўрсак ўзимизнинг оддий пиводан қолишмайди.

Яқинда гавжум бозорлардан бирининг гўшт растасига кирдик. Пештахта орқасидан ўрин олган қассоблар ўтган харидор борки, ўзига чақиради.

— Кеп қолинг, гўштнинг шоколадига.

Шунақа мақтови келтирилган шоколад гўштдан икки килограмм харид қилдик. Уйга келиб болаларга ҳазиллашган бўлдик.

— Мана, гўштнинг шоколадидан олиб келдим. Бугун бир чучвараxўрлик қилайлик.

Халтачани қўлимдан олиб ошхонага кирган аёлимнинг овози эшитилди.

— Вой шоколад гўштингиз қурмасин. Шоколад эмас, қоқ суяк-ку бу. Ундан фақат қайнатма шўрва тайёрлаш мумкин. Бошқа таомга ярамайди, отаси.

Ўйлаб туриб «сомсанинг додаси», «пивонинг додаси» деганлари ҳам мана шунақа гўштнинг «шоколадига» ўхшаган бир нарса бўлса керак-да деган хаёлга бордик. Олдин биз «Алдагани бола яхши» дердик. Энди эса баъзи устомонлар қарангки, катталарни алдаш усулини ҳам ўйлаб топишибди. Бу тиниб-тинчимаган одамларни ўз вақтида тартибга чақириб қўйилмаса, яна нималарни ўйлаб топишаркин?

## ИНСОННИ ТИРИКЛИГИДА ЭЪЗОЗЛА

Икки маҳалладош Бўри тажанг билан Холбойвачча ёнма-ён қўшни. Бир вақтлар уларнинг орасидан қил ўтмасди. Бирга юриб, бирга туришарди. Меҳмондорчилик ёки тўй-туркунларда «олдин сиз ўтинг, олдин сиз ўтинг» дея ҳурматларини жойига қўйишарди. Қарангки, шу қадрдонлар ярим метр ер деб бир-бирлари билан сан-манга бориб қолишди.

Ҳаммасига ўртадаги девор сабабчи бўлди.

— Қўшни, — деди бир куни Бўри тажанг Холбойваччага, — шунча йил аҳил-иноқ яшадик. Ҳатто ҳовлиларимиз бир-бирига туташлигича тураверди. Энди ўзингиздан қолар гап йўқ. Сиз келинли, мен набирали бўлдик. Ҳар қалай ёшларда, баъзан ҳовлида енгил-елпи кийиниб юришлари мумкин. Шунинг учун агар сиз розилик берсангиз ўртамиздан пасттаккина девор олиб қўйсак.

— Жуда яхши ўйлабсиз, қўшнижон, — деди унинг фикрига қўшилиб Холбойвачча.

Лекин ўртадаги чегара масаласига келганда келишмовчилик бошланди. Холбойвачча «Деворни мана бу ердан оламиз», деди. Бўри тажанг бир қадам босиб «мана бу ердан олиш керак» деди. Ҳар икки томоннинг норозилиги туфайли девор олиш масаласи чўзилгандан чўзилди. Ўртада гап чувалди. Яхши-ёмон сўзлар айтилди. Ишга маҳалла ва мутасадди ташкилотлар аралашди. Хуллас иш судга ошишгача бориб етди. Муаммо оқилона ҳал этилсада, қўшнилар ўртасидаги норозилик кайфияти тарқамади.

Шундай кунларнинг бирида Бўри тажанг уйга келса, ўртада девор пайдо бўлиб қолибди. Қўшниси айтганини қилиб девор заминини у томонга чиқариб юборибди. Буни кўриб Бўри тажангнинг хуноби ошди. Жаҳл билан эндигина қад кўтарган деворни бузишга киришди. Жанжал икки қўшнининг ёқа бўғиши ва ўзгаларнинг аралашуви ила уларни ажратиб қўйиш билан тугади.

Девор чала яримлигича қолди. Орадан кўп ўтмай Холбойвачча юрак хуружидан вафот этди. Бўри тажанг гинахонликни йиғиштириб марҳумни дафн этиш билан боғлиқ масалаларда елиб-югуриб қатнашди. Маросим сўнгида маҳалла фаолларидан бири ундан сўради.

— Ишқилиб ярашиб олганмидинглар?

— Йўқ. Ҳатто рози-ризолик тилашга ҳам улгурмадик. Ўлим тўсатдан келди-да. Нима бўлса бўлди. Ишқилиб Худо раҳматига олган бўлсин қўшнимни. Энди ўзингиздан қолар гап йўқ, марҳумлар ҳақида ёмон гапириб, гинахонлик қилиш инсофдан бўлмайди.

Кўпинча шундай қиламиз. Ён-атрофимизда юрган кишиларга тириклигида унчалик эътибор бермаймиз-да, ўлгандан кейин унинг қадрига етгандек бўламиз, ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қиламиз. Ахир шу иззат-ҳурматимизни унинг тириклигида қилсак бўлмайди.

Кейинроқ эшитсак маросимнинг учинчи куниёқ Бўри тажанг ўзи бузган деворни тиклаб қўйибди. Холбойваччанинг аёли: «Қўшни, ўшанда девор сиз томонга озроқ ўтиб кетганди. Энди бемалол хоҳлаганча биз томонга суриб олаверинг, деса, Бўри тажанг: «Одамлар ўлиб кетаяпти-ку, биз ярим метр жойни нари-берисига бориб талашиб юрамизми, мен мингдан-минг розиман қўшнижон», деганмиш.

## ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Бир даврада ўтирганимизда инсондаги ақл-идрок ва ҳусну латофат ҳақида сўз борди. Даврадошларимиз бу хусусдаги фикрларини айтишди. Суҳбат қизғин баҳсга айланган чоғида маҳалланинг обрў-эътиборли оқсоқолларидан бири унга якун ясаб шундай деди:

— Ҳаёт сўлмайди, ақл ўлмайди, бир донoнинг ишини минг нодон тушунмайди. Ақл бўлмаган уй қуёшсиз осмонга ўхшайди.

Бир дарвешсифат одам донони учратиб сўрабди:

— Ҳаётда шунча юрдим-у бирор тарбиячи топмадим, менга ким устозлик қилади?

Доно шундай жавоб қайтарибди:

— Устоз тополмаган бўлсанг, ҳаётдан ўрган. Энг одил устоз ҳаётдир. Шоирнинг мана бу байтини ёдингда тут:

**Кимки ҳаётдан олмаса таълим,**
**Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.**

Баъзи одамлар: «Ҳуснни нима қиласан, нон ботириб ейсанми», дейишади. Йўқ, бундай эмас, ҳусн ҳам керак. Ундан кўз нур олади, дил яйрайди.

Бир донишманддан

— Етук, мукаммал одам қандай бўлади? — деб сўрашса, у:

— Етук одам гулга ўхшайди. Атиргулга қаранг—ҳам ҳусни бор, ҳам хушбўй ҳиди бор. Баркамол одам ҳам чиройи, ҳам ақл-заковати билан гулгун ёниб туради. Бу ҳақда шоир дебди:

**Ҳусну латофатда назокатли бўл,**
**Ақл-идрокда заковатли бўл.**

Ўйлаймизки, отахоннинг ибратомуз бу сўзларига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

*Европа чемпионати*

## ГРЕЦИЯНИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

**Англия, Франция, Голландия, Италия каби жуда кучли ва бой анъаналарга эга терма жамоалар биринкетин чемпионатни тарк этганидан кейин кўпчилик ҳужумкор ва умидбахш ўйин кўрсатаётган Чехия термасининг ғолиб чиқишига умид боғланганди.**

Доимо ўртамиёна жамоа ҳисоблаб келинадиган Греция термасининг ярим финалга йўлланма олганининг ўзиёқ улкан шов-шувли натижа сифатида эътироф этилди. Бироқ бу галги чемпионат кутилмаган натижаларга бой ўтмоқда. Ҳатто Португалиянинг финалга чиқишини ҳам (гарчанд ушбу терма жамоа ўз майдонида тўп сураётган бўлса ҳам) кўпчилик мутахассислар кутмаганди. Шундай қилиб Порту шаҳридаги «Драгау» стадионида финалга йўлланма олиш мақсадида кеча Чехия ва Греция терма жамоалари ўзаро рўбарў келишди.

Грекларнинг ўйини тобора очилиб бораётгани туфайли мазкур учрашув кескин ва муросасиз тарзда, деярли тенг курашлар остида ўтди. Биринчи бўлимда чехлар ҳужуми етакчиларидан бири Павел Недведнинг жароҳат олиб, майдонни тарк этиши ҳам албатта, улар ўйинига таъсир кўрсатди. Чехлардан эса кутилмаганда ярим ҳимоячи Марек Янкуловски ташаббусни ўз қўлига олиб жамоадошлари ўйинини бошқариб туришга ҳаракат қилди. Греклар дарвозабони Николополидис ҳам кўп бор хавфли вазиятларни бартараф қилган ҳолда ишончли ўйнади.

Греклар ҳам бўш келишмади. Уларнинг ҳужумлари кескин ва хавфли эди.

Бир-бирларига мос ўйин кўрсатган жамоалар учрашувининг асосий вақти дуранг натижа билан якунланди.

Қўшимча вақтда ўз кучларини кўпроқ сақлаб қолган ва ғалаба калитини рақиблар дарвозасидан излаган греклар кучлироқ ўйнашди. Хусусан, 115 дақиқада, яъни қўшимча вақтнинг қоқ ўртасида греклар ҳимоячиси Траянос Деллас киритган ягона тўп чехларнинг бутун умидларини пучга чиқарди.

Шу тариқа 4 июль куни ўтказиладиган финал учрашувида Португалия ва Греция терма жамоалари қитъа чемпионини аниқлайдиган бўлди. Энг муҳими, унда қайси жамоа ғалаба қозонишидан қатъи назар Европа чемпиони янгиланадиган бўлди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

«KOMIL YOQUB» жамоа корхонаси «SHOX SHER SAVDO» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ва у «KOMIL YOQUB» жамоа корхонасининг ҳуқуқий вориси бўлиб қолади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

А. Темур ва Эргашев кўчалари чорраҳасида йўл ўтиш иншооти қурилиши муносабати билан 2004 йилнинг 5 июлидан А. Темур кўчасининг Муртазоев кўчасидан Ж. Обидова кўчасигача бўлган қисми ёпилади.

Шу муносабат билан 19, 24, 51, 60, 67, 71, 72, 91, 93, 95, 112, 115, 8-м, 13м, 53м, 92м, ва 20-м автобус йўналишлари қисман ўзгартирилиб, уларнинг ҳаракати Муртазоев, Ғ. Мавлонов, Ж. Обидова, А. Темур кўчалари ҳамда гв. полковниги Хўжаев, Ҳ. Асомов, Ш. Рашидов, Хуршид ва А. Темур кўчалари орқали ташкил этилади.

2-трамвай йўналиши қисқартирилиб Муртазоев, Оққўрғон кўчалари орқали Дарҳон майдонигача ташкил қилинади.

*Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси*

## ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга**

### ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

**Кундузги бўлим (9-синфни тугатганлар учун)**

1. Қурилиш-пардозлаш ишлари;
2. Ёғочга ишлов бериш ва мебель ишлаб чиқариш;
3. Сув таъминоти ва оқава сув тизимлари мутахассиси;
Электргазпайвандчи, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
4. Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш, «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси;
5. Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш ва таъмирлаш;
Кадастр назоратчиси, ЭҲМ оператори;
6. Интерьер ва жиҳозлар архитектураси;
7. Компьютер графикаси;
8. Менежмент. Офис ва ишлаб чиқариш менежменти;
9. Молия. Корхоналар, жисмоний шахслар ва ишлаб чиқариш бўйича молия агенти;
10. Бухгалтерия ҳисоби;

**СИРТҚИ БЎЛИМ (11 - синфни тугатганлар учун)**

1. Газ таъминоти тизими ускуналаридан фойдаланиш;
2. Бино ва иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш;
3. Бухгалтерия ҳисоби назорати ва хўжалик фаолиятининг таҳлили;
4. Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш;
5. Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

**Ўқишга кирувчилар консультатив гуруҳига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86 У кўринишдаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3x4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномасининг нусхаси.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, М.Уйғур кўчаси, 485-уй.
Тел: 47-79-32, 47-75-69
№ 20, 53, 35, 46, 126, 87-автобусларнинг «Оқтепа» бекати.**

## ҲАМКОРБАНК

*Азиз юртдошлар!*

**Ҳамкорбанк хорижий валютада янги омонат турини таклиф этади.**

**«Тақдим этувчига»**

деб номланган ушбу омонат 3 ой муддатга қабул қилиниб, даромадини йиллик 15 % гача — АҚШ долларида, 18%гача — сўмда олишингиз мумкин.

Омонат сир сақланиши кафолатланади. Шошилинг, бу имконият фақат 20 июлгача. Мурожаат учун тел: (8-3712) 45-62-33, 45-76-58.

**Ҳамкорбанк — Сиз учун ишончли ҳамкор!**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.**

**2004 йил 12 июль куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:**

1. "Фиат Темпра СВ"автомобили, 1996 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси М 06-31, бошланғич нархи 2 320. 000 сўм;
2. "Ссанг Енг Муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 2 000 000 сўм, техник носоз;
3. "БМВ-520" автомобили, 1988 йилда чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 23-32 В, бошланғич нархи 4 480 000сўм;
4. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 583, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
5. "Маз-5423" юк автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 479, бошланғич нархи 12 960 000 сўм, техник соз;
6. Газ-53 автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 А 6869, бошланғич нархи 1.000.000 сўм , техник соз
7. БМВ −320 автомобили , 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, техник носоз, бошланғич нархи 1.000.000 сўм;
8. "Тойота- Руннер" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 228, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, тех.соз;
9. "Москвич-412", автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Q 67-99, бошланғич нархи 220 000сўм, техник соз;
10. "Москвич-412" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 О 63-12, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
11. ЗИЛ-130 автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 627, техник носоз, бошланғич нархи 1.420.000 сўм
12. ЗИЛ-555 автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 631, техник носоз, бошланғич нархи 1.486.000 сўм
13. ЗИЛ-130 автомобили 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 976, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм
14. ТАТРА −815 самосвал автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 078, техник носоз, бошланғич нархи 5.650.000 сўм
15. ЗИЛ-130 автокрани, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, бошланғич нархи 1.252.000 сўм
16. "Даймлер-Бенц" автомобили, 1985йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгисисиз, бошланғич нархи 1 000 000сўм, техник носоз;

**Ким ошди савдоси соат 16.00да бўлади.**

**2004 йил 3 август куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади**

1. ГАЗ 31029 автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10G 2892, бошланғич нархи 2.835.000 сўм
2. МАЗ 5551 автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AG 610, техник носоз, бошланғич нархи 500.000 сўм,
3. Ваз-2106, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11I 6843, техник носоз, бошланғич нархи 250000 сўм,

**Ким ошди савдолари соат 16.00да бошланади.**

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилинганидан 3 кун аввал тўхтатилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38**


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. 1 2 3 4 6